

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АЗИМОВА ШАХНОЗАХОН ШАРАФУТДИНОВНА

**ЎЗБЕК ПОПУЛЯЦИЯСИГА ХОС БЎЛГАН ЭКЗОГЕН-
КОНСТИТУЦИОНАЛ СЕМИЗ БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАРДА
МЕТАБОЛИК СИНДРОМНИ ТАШХИСЛАШ**

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Азимова Шахнозахон Шарафутдиновна

Ўзбек популяциясига хос бўлган экзоген-конституционал
семиз болалар ва ўсмирларда метаболик

синдромни ташхислаш 3

Азимова Шахнозахон Шарафутдиновна

Диагностика метаболического синдрома у детей и
подростков с экзогенно-конституциональным

ожирением узбекской популяции 23

Azimova Shakhnozakhon Sharafutdinovna

Diagnosis of metabolic syndrome in children and
adolescents with exogenous-constitutional obesity

in the Uzbek population 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published scientific works 47

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК Ё.Х.ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

АЗИМОВА ШАХНОЗАХОН ШАРАФУТДИНОВНА

**ЎЗБЕК ПОПУЛЯЦИЯСИГА ХОС БЎЛГАН ЭКЗОГЕН-
КОНСТИТУЦИОНАЛ СЕМИЗ БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАРДА
МЕТАБОЛИК СИНДРОМНИ ТАШХИСЛАШ**

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Tib189 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация академик Я.Х.Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг www.tma.uz веб-саҳифаси ҳамда www.ziyonet.uz «ZiyoNet» ахборот-таълим портали манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рахимова Гульнара Нишановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ахмедова Шахноза Улугбековна
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Шодикулова Гуландом Зикрияевна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Қирғизистон давлат тиббиёт малака ошириш ва қайта тайёрлаш институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99871)150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru; Тошкент тиббиёт академияси мажлислар зали).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99871)150-78-25.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ да тарқатилди.

(2017 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Б.Х. Шагазатова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

С.И. Исмаилов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) томонидан ортиқча тана вазни, семириш, юрак-қон томир тизими касалликлари ва уларнинг асоратлари, қандли диабет XXI асрнинг ноинфекцион эпидемик касалликлари бўлиб ҳисобланмоқда. Семиз болалар ва ўсмирларда метаболик синдром Европанинг ривожланган мамлакатлари – Францияда 18,9%, Италия ва Польшада 16,4%, Беларуссияда 17,2% ни ташкил этади.¹ ЖССТ маълумотларига кўра метаболик синдром (МС) дислипидемия, глюкоза толерантлиги бузилиши, гипертензия ва инсулинрезистентлик натижасидир ҳамда қандли диабет ривожланиши омили бўлиб, 2030 йилда қандли диабет натижасидаги ўлим кўрсаткичи дунё бўйича еттинчи ўринни эгаллайди.² Қандли диабет ривожланган давлатлар – АҚШ ва Европадан ривожланаётган давлатлар – Африка, Яқин Шарқ, Осиёга кўчмоқда. Бундан ташқари қандли диабетнинг 1- ва 2-тури орасидаги фоиз нисбати ҳам ўзгармоқда.³ 2011 йилга қадар олинган маълумотларда қандли диабетнинг 2 тури 80–90% ни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 95% ни ташкил этди. Қандли диабет (ҚД)нинг 2-тури аксарият ҳолларда болалар ва ўсмирларда кенг тарқалмоқда.⁴ Сўнгги 30 йил ичида болалар ва ўсмирларда ҚДнинг 2-тури пайдо бўлишининг асосий сабаби ортиқча тана вазни ошган болалар сонининг ортиши билан боғлиқ.⁵ Ўзбек популяциясига мансуб болалар ва ўсмирларда МСни келтириб чиқарувчи патологик жараёнлар, инсулинрезистентлик сабабини аниқлаш, семиришни эрта ташхислаш, бел айланаси, тана вазни индекси – ТВИ меъёрий кўрсаткичларини ишлаб чиқиш бугунги кунда болалар эндокринологияси олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда экзоген-конституционал семиз болалар ва ўсмирларда метаболик синдромни ташхислаш самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий-тадқиқотлар, жумладан, болалар ва ўсмирларда семизлик ва ортиқча тана вазни тарқалишининг эндоген ва экзоген омиллари, болалар ва ўсмирларда ортиқча тана вазни ва семиришда антропометрик, гормонал, биокимёвий текширишлар, уларнинг бел айланаси кўрсаткичига қараб метаболик синдром ривожланиш хавф омилини аниқлаш механизмини ишлаб чиқиш борасида кўплаб изланишлар амалга оширилмоқда. Экзоген-конституционал семизлиги бор болалар ва ўсмирларда метаболик синдром тарқалиш даражасини, метаболик синдром ривожланиш эҳтимолини интеграл баҳолаш, метаболик синдром экзоген конституционал семизлиги

¹Bokor S., Frelut M., Vania A. Prevalence of metabolic syndrome in European obese children//Int J Pediatr Obes.- 2008. - Vol.3, Suppl 2.- P. 3-8.

²ЖССТ маълумотлари, 2017 йил.

³Вайнилович Е.Г., Луцик М.Л., Сретенская Ж.Л., Запольский С.А., Данилова Л.И. Частота метаболического синдрома у детей с избыточной массой тела, ожирением и сахарным диабетом 1 типа и их родителей// Журнал ARS MEDICA Эндокринология.- 2011. - №10 (46).- С.15-19.

⁴American Diabetes Association 2018

⁵Druet C., Ong K., Levy Marchal C. Metabolic syndrome in children: comparison of the International Diabetes Federation 2007 consensus with an adapted National Cholesterol Education Program definition in 300 overweight and obese French children//Horm Res Paediatr. – 2010. - Vol.73.- P.181-186.

бор болалар ва ўсмирларда метформин ва орлистат дори воситалари билан даволашда уларнинг хавфсизлигини ва самарадорлигини баҳолаш, шунингдек, семиришининг олдини олишга қаратилган парҳез овқатланишни ташкиллаштириш ва унинг самарадорлиги чора-тадбирлар механизмини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда ҳозирги кунда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, аҳоли орасида кенг тарқалган касалликларни профилактикалаш ва барвақт аниқлаш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш...»¹ беморларга кўрсатилаётган ихтисослаштирилган эндокринологик тиббий хизматни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилди. Ўзбек популяциясига хос бўлган экзоген-конституционал семиз болалар ва ўсмирларда метаболик синдромни ташхислаш ҳамда сифатли тиббий хизмат кўрсатишда инновацион технологияларни қўллаш асосида замонавий даволаш усулларни ишлаб чиқиш ва бажариш бугунги кунда ечимини кутаётган долзарб вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва 2014 йил 1 августдаги ПҚ–2221-сон «Ўзбекистонда оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича 2014–2018 йилларга мўлжалланган Давлат дастури» ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳонда сўнгги йилларда экзоген-конституционал семиз болалар ва ўсмирларда метаболик синдромни ташхислаш мезонларига алоҳида аҳамият берилмоқда Болалар ва ўсмирлар орасида метаболик синдромни IDF (2007) ташхислаш мезонлари ишлаб чиқилгач, дунё бўйича 36 марта эпидемиологик тадқиқотлар ўтказилиб, семиз болалар орасида метаболик синдром 22–60% ни ташкил қилди

¹2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

(Agudelo G., 2014; Ambrosini G., 2010; Inge T., 2004; Lafortuna C., 2010; Luczyński W., 2010; Mahbuba S., 2018; Schwandt P., 2010; Taylor A.M., 2010). Ушбу соҳада олиб борилган илмий изланишларга кўра семизликдан азият чекувчи болалар ва ўсмирлардаги даврий равишда ижобий терапевтик таъсирга эришиш учун ушбу касалликнинг барча таҳлика омилларини қамраб олувчи комплекс ёндашув талаб этилади (Ершевская А.Б., 2010; Рахимов Б.Б., 2016). Дунёда болалар ва ўсмирларда семириш даражасининг ошишиши, улар орасида метаболик синдромнинг кенг тарқалиши қандли диабетнинг 2-тури ривожланишидаги асосий туртки эканлиги каби муаммолардан дунёнинг турли давлат ҳукуматлари ва жамияти хабардор бўлишлари лозим (Zimmet P., 2007).

Ўзбекистонда сўнгги ўн беш йил ичида болалар ва ўсмирлар орасида метаболик синдром натижасида юзага келадиган ортиқча вазн ва турли даражали семизликнинг олдини олишга қаратилган ташхислаш ва профилактик муаммоларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Семизликка мойил бўлган болалар ва ўсмирларда инсулинга сезгирликнинг бузилиши, семиришнинг олдини олишда фойдали кепакларнинг (Бодинорм) аҳамияти асосланган (Раҳимов Б.Б., 2016; Rahimova G.N. et al., 2016.), бироқ экзоген конституционал семиз болалар ва ўсмирларда кенг қамровли ишлар амалга оширилмаган. Ўзбек популяциясидаги болалар ва ўсмирлар орасида МСни аниқлаш ва даволашда ягона ёндашув тизими ишлаб чиқилмаган.

Демак, келтирилган илмий адабиётлардан аниқландики, республикада семизликда МС ва унинг компонентлари тарқалиши борасида етарли даражада маълумотлар мавжуд эмас, ўзбек популяциядаги болалар ва ўсмирлар орасида семизликни ташхислаш ва даволашнинг ягона тизими яратилмаган. Ўзбек популяциядаги болалар ва ўсмирлар орасида ёш ва жинс орасидаги семизликни ТВИ перцентил эгриликлари асосида баҳолаш, бел айланасининг ҳажмини аниқлаш ва баҳолаш кўрсаткичларининг меъёрий даражаси натижалари олинмаган, шунингдек, метаболик синдром компонентларини инобатга олган ҳолда миллий ошхона маҳсулотларидан тайёрланган парҳез таомнома ишлаб чиқилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган илмий тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-тадқиқот эндокринология маркази илмий-тадқиқот ишлари режаси ва ИТСС 13.2 «Ўзбекистон Республикасида қандли диабет, акромегалия ва қандсиз диабет макроангиопатиянинг клиник-эпидемиологик хусусиятлари ва унинг гипоталам-гипофизар патологияси билан кўшилиб келишини ўрганиш» (2009–2011) грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек популяциясида экзоген-конституционал семириши бор ёшлар ва ўсмирларда метаболик синдромда эрта аниқлаш ва даволашни оптималлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбек популяциясидаги болалар ва ўсмирларда семизлик ва ортиқча тана вазн тарқалишини аниқлаш;

ўзбек популяциясидаги соғлом ва ЭКС болалар ва ўсмирларнинг ёши, жинси ва жинсий ривожланиш босқичларидан келиб чиқиб уларнинг клиник, антропометрик, гормонал, биокимёвий кўрсаткичларини ўрганиш;

ўзбек популяциясидаги болалар ва ўсмирларда бел айланаси референс кўрсаткичларининг перцентиль тақсимланишини ва бел айланаси кўрсаткичларига асосланган метаболик синдромнинг ривожланиш хавф омилини аниқловчи компьютер дастурини ишлаб чиқиш;

ўзбек популяциясидаги экзоген-конституционал семизлиги (ЭКС) бор болалар ва ўсмирларда метаболик синдром ва унинг компонентлари тарқалиш даражасини аниқлаш;

экзоген конституционал семизлиги бор болалар ва ўсмирларда метаболик синдром ривожланиш эҳтимоли хавф омилларини интеграл баҳолаш;

экзоген конституционал семизлиги бор болалар ва ўсмирларнинг энергетик қиймати паст парҳез ва жисмоний юклама даражасини ошириш, метформин, орлистат билан даволашда уларнинг хавфсизлиги ва самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган 3405 нафар болалар ва ўсмирлар ҳамда экзоген конституционал семизлиги бўлган 100 нафар текширилувчилар олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб илмий-тадқиқотлар асосида ўзбек популяциясига хос бўлган экзоген-конституционал семиз болалар ва ўсмирларда метаболик синдромни ташхислаш, антропометрик кўрсаткичлар, карбон сувлар, ёғ ва гормон алмашинуви миқдорини баҳолашда қон зардобини, гемодинамик кўрсаткичлар ҳисобланди.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда антропометрик, клиник-биокимёвий, гормонал, статистик каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек популяциясига мансуб болалар ва ўсмирларда перцентил эгри чизиқ асосида ортиқча тана вазн (ОТВ) ва тана вазн индекси (ТВИ) натижалари асосида касалликнинг хусусиятлари очиқ берилган;

ўзбек популяциясидаги болалар ва ўсмирларда жинсга ва ёшга боғлиқ равишда жинсий ривожланиш босқичларида бел айланасининг перцентил кўрсаткичлари аниқланган, ёшига боғлиқ ҳолда инсулинга сезгирлик даражаси НОМА-IR 97 перцентил индекси ишлаб чиқилган;

экзоген-конституционал семизлиги мавжуд ўзбек популяциясидаги болалар ва ўсмирларда метаболик синдромнинг хавф омиллари ва кўрсаткичлари исботланган;

экзоген-конституционал семизлиги мавжуд болалар ва ўсмирларда метаболик синдромини даволашда ўзбек миллий таомларига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган энергетик қиймати пасайтирилган парҳез самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ортиқча тана вазни ва семизлик тарқалишини баҳоловчи анкета-сўровномалар ишлаб чиқилган;

метаболик синдромни ташхислашда ўзбек популяциясига хос бўлган болалар ва ўсмирларда ёш ва жинсга боғлиқ ҳолда бел айланасининг жадваллардаги ифодаси ишлаб чиқилган;

ўзбек популяциясидаги болалар ва ўсмирларда МС компонентларини дори воситалари ва дори воситаларисиз даволаш тизимининг самарадорлиги баҳоланган;

ўзбек популяциясига хос болалар ва ўсмирларда МС ривожланиш хавфини баҳоловчи компьютер дастури ишлаб чиқилган ва «Ўзбек популяциясига хос болалар ва ўсмирлар бел айланаси асосида МСнинг ривожланиш хавфини аниқлаш»нинг DGU 02583-сон электрон-ҳисоблаш дастурига гувоҳнома олинган;

ўзбек популяциясида уларнинг ёшига боғлиқ равишда НОМА-IR инсулинга сезгирлик индекси тақдим этилган;

МС компонентларини даволашда миллий таомларни ҳисобга олган ҳолда ҳафталик паст энергетик қийматли таомнома тузилган ва даволаш самарадорлиги баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, объектив клиник, антропометрик, клиник-биокимёвий, гормонал текширув усулларига асосланганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги билан асосланган. Статистик усулларнинг қўлланилиши олинган натижаларнинг ишончлилигини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзбек популяциясига хос болалар ва ўсмирларда ёши ва жинсига боғлиқ ҳолда уларнинг бел айланасини аниқлаш ҳамда уларнинг ёшига боғлиқ ҳолатда НОМА-IR инсулин сезгирлиги индекси кўрсаткичини аниқлаш, ёшга боғлиқ, миллий таомларга мувофиқ паст энергетик қийматли таомнома (ПЭҚТ) ишлаб чиқилиши метаболик синдромни даволашда қулай шароит яратиши, даволаш кўрсаткичини яхшилаши ва унинг асоратларини пасайтириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижасининг амалий аҳамияти эса олинган натижалар орқали ўзбек популяциясига хос болалар ва ўсмирларда метаболик синдромнинг бирламчи профилактикаси ва ташхислашнинг мавжуд усулини тўлдириш ва қайта ишлаш, шунингдек, тавсия қилинган парҳез овқатланишнинг ўзбек популяциясига хос бўлган экзоген-конституционал семиз болалар ва ўсмирларда профилактик мақсадда фойдаланиши муҳим аҳамият касб этиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек популяциясига хос бўлган экзоген-конституционал семиз болалар ва ўсмирларда метаболик синдромни ташхислаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Болаларда ортиқча вазни камайтириш усули» бўйича Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патент олинган (№IAP 20180175). Мазкур усул болалар ва ўсмирлар орасида метаболик синдром асосида ривожланадиган ортиқча тана вазнининг олдини олишга қаратилган миллий озиқ-овқат маҳсулотларидан тайёрланган парҳез таомномани эндокринология шифохоналари амалиётига татбиқ қилиш имконини берган;

«Болалар ва ўсмирларда метаболик синдромни ташхислаш ва даволаш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2011 йил 14 ноябрдаги 8н/176-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма семиз болалар ва ўсмирларда метаболик синдром ва унинг хавф омилларни ташхислаш ва даволаш имконини берган;

«Ўзбек популяциясидаги болалар ва ўсмирларда метаболик синдромни ташхислаш ва даволашнинг оптималлаштириш мезонлари» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 8 январдаги 8н-р/2-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма болалар ва ўсмирларнинг бел айланасининг ёшга боғлиқ перцентил кўрсаткичлари асосида метаболик синдром ривожланиш хавфини эрта аниқлаш ва қўшимча компонентлар мавжуд вазиятларда эса метаболик синдромни ташхислаш ва даволаш самарадорлигини оширишга қаратилган энергетик қиймати пасайтирилган парҳез таомни яратиш имконини берган;

Ўзбек популяциясига хос бўлган экзоген-конституционал семиз болалар ва ўсмирларда метаболик синдромни ташхислашни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий- амалий тиббиёт маркази, Фарғона ва Жиззах вилояти эндокрин диспансерлари клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 29 мартдаги 8н-д/27-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий қилиниши экзоген-конституционал семиз болалар ва ўсмирларда метаболик синдромни ташхислашда унинг асосини ташкил этувчи патогенетик асос инсулинрезистентлик кўрсаткичи НОМА-IR 97 перцентилида ёшга боғлиқ фарқлиқ даражаси болаларда $\geq 1,2$ ни, ўсмирларда эса $\geq 1,8$ ни ташкил қилди. Ўзбек популяциясига мансуб болалар ва ўсмирларнинг бел айланаси перцентил кўрсаткичлари аниқланиб, семиз ўсмирларда метаболик синдромнинг 36,3%да ташхисланиши имконини ва маҳаллий перцентил аниқланиш имконини яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий

натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Болалар ва ўсмирларда метоболик синдромнинг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда ўзбек популяциясига хос бўлган семиз болалар ва ўсмирларда метоболик синдромнинг мавжуд ташхисоти, клиникаси ва профилактика усулларининг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган, шунингдек, мазкур муаммонинг ўз ечимини топган ҳамда ечими топилиши лозим бўлган аспекти белгиланган.

Диссертациянинг **«Экзоген конституционал семириши бор болалар ва ўсмирларни клиник баҳолаш ва текшириш усуллари»** деб номланган иккинчи боби клиник материал ва гормонал-биокимёвий ҳамда статистик усулларнинг умумий тавсифларини ўз ичига олади.

Гормонал текширувларда базал қон зардобиди секс-стероид боғловчи глобулинни (ССГБ), иммунореактив инсулин (ИРИ)ни радиоиммун таҳлил усулида «Gamma – 12» ва «Strantg 300» ҳисоб-китоб қилинганда Чехиянинг «Beckman Coulter» фирмаси реагентларидан фойдаланиб академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази РИА-лабораториясида амалга оширилди.

Қонда глюкоза миқдори глюкозооксидаза усулида капилляр қонда наҳорга ва глюкозага толерантлик тестидан (ГТТ) 2 соатдан сўнг Бельгиянинг «Cypress Diagnostics» фирмаси тўпламлари ёрдамида аниқланди (ГТТ ҳисобига кўра текширулувчининг 1 кг вазнига куруқ глюкоза 1,75 г тўғри келади, лекин 75 граммдан ошмаслиги лозим). Гликирланган гемоглобин (HbA1c) колорометрик усулда аниқланди. Глюкозанинг наҳорги бузилиши (ГНБ $\geq 5,6$ - $< 6,1$ ммоль/л), глюкозага толерантликнинг бузилиши (ГТБ – $< 6,1$ ммоль/л, лекин $\geq 7,8$ – $< 11,1$ ммоль/л), ҚД наҳорги оч қоринга $\geq 6,1$ ммоль/л ёки куннинг исталган вақтида $\geq 11,1$ ммоль/л миқдорни ташкил этади.

Қондаги липидлар спектри ферментатив колорометрик усул билан аниқланди (Human, Германия). Умумий холестерин (УХС) ва

триглицеридларнинг (ТГ) қон зардобидаги миқдори ферментатив усулда, зичлиги юқори липопротеидлар (ЗЮЛП) супернатант усулда, липопротеинларнинг бошқа синфлари декстрансульфат билан преципитация қилингандан кейин аниқланади.

Олинган маълумотлар Excel – 2010 компьютер дастури ёрдамида қайта ишланди ва таҳлил қилинди. STATISTICA 6,0 (Stat Soft, 2001). Имкониятлар нисбати (ИН) ҳам, ишонч интервали (ИИ) ҳам 95% ни ташкил этди. Бу кўрсаткичларни ҳисоблашда логистик регрессия усули қўлланди. Кўрсаткичлар фарқининг ишончлилиги параметрик бўлмаган χ мезон (Пирсон критерийси) ёрдамида аниқланди. Кам сонли танловда Фишер–Ирвингнинг аниқ мезонидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Экзоген конституционал семириши бор ўзбек популяциясига кирувчи болалар ва ўсмирларнинг эпидемиологик ва клиник хусусиятларини ўрганиш**» деб номланган учинчи боби биринчи бўлимида Тошкент шаҳридаги болалар ва ўсмирлар орасида ортиқча тана вазни ва семиришнинг тарқалиши ҳақидаги маълумотлар келтирилган; иккинчи бўлимда ўзбек популяциясида ЭКС бўлган болалар ва ўсмирларнинг ёши, жинси, балоғатга етиш даражасига боғлиқ ҳолда клиник-антропометрик, биокимёвий, гормонал кўрсаткичларнинг хусусиятлари; учинчи бўлимда ЭКС бўлган болалар ва ўсмирларда углевод алмашинувининг бузилиш хавфини олдиндан аниқлаш бўйича маълумотлар келтирилган.

Тошкент шаҳрида яшовчи 7–18 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларда семизликнинг тарқалиши 4,1%, ортиқча тана вазни 7,6% кўрсаткични ташкил этди. Семизликнинг тарқалишида жинсга боғлиқ ҳолат кузатилмади (ўғил болалар 4,3%, қиз болаларда 3,9%). Семириш болалар орасида 4%, ўсмирлар орасида 5%, ортиқча тана вазни мос равишда 6 ва 11% ни ташкил этди.

Текшириш давомида маълум бўлдики, 6–10 ёшгача болаларда углевод алмашинувининг бузилиши назорат гуруҳидан кам миқдорда фарқ қилди, аммо 10–16 ёшдагиларда ГТТдан 2 соатдан кейин глюкоза миқдори 11,6% ва $HbA1c$ 14,6% дан юқори бўлди. 10 ёшдан юқори ЭКС бўлганларда липид спектрининг УХС (34,2%), зичлиги паст бўлган холестерин (ЗПХС) (76,4%), ТГ (66,7%) ва атороген индекс (АИ) (42,1%) миқдорий кўрсаткичлари соғлом болалар ва ўсмирларга қараганда статистик ишончли даражада юқори бўлди. Микроальбумин (МАУ) кўрсаткичи ЭКС бор бўлган ҳар иккала гуруҳда назорат гуруҳидан фарқ қилди, мос равишда 3,4 ва 2,8 мартагача ортди. Ҳар иккала гуруҳда ИРИ наҳорги оч қоринга (мос равишда 4,5 ва 3,6 мартага), ГТТдан 2 соат кейин (мос равишда 5,0 ва 2,7 мартага) ва НОМА-IR индекси (мос равишда 4,1 ва 3,5 мартага) соғлом болаларниқидан юқорилиги кузатилди. Тадқиқот жараёнидаги кўрсаткичларга кўра НОМА-IR индексининг юқори чегараси соғлом болаларда $\geq 1,2$ ва ўсмирларда $\geq 1,8$ ташкил қилади. ССБГ миқдори назорат гуруҳидаги болаларда жинсга боғлиқ бўлмаган ҳолда ёшга қараб пасайиб борди. Ҳар иккала гуруҳнинг назорат гуруҳида ССБГ даражасининг физиологик жинс-ёш билан боғлиқлиги

кузатилди. ЭКС бўлган болалар ва ўсмирларда ССБГ миқдорининг назорат гуруҳига қараганда анча паст кўрсаткичлари қайд этилди.

Антропометрик кўрсаткичларидаги оғиш даражаси ўғил болаларда жинсий балоғатга етиш даврининг ҳамма босқичида сезиларли ўзгарган. Балоғат ёшидан олдин ва балоғат ёшининг бошланғич даврида липид спектори кўрсаткичлари мувозанатининг бузилиши кўпроқ ўғил болаларда қайд этилди, қизларда эса жинсий ривожланишнинг 4–5 босқичларида липид алмашинуви бузилиши кўпроқ кузатилди. НОМА>97 перцентилнинг қиймати жинсий ривожланишнинг барча босқичларида қизларга нисбатан ўғил болаларда юқорилиги қайд этилди. ССБГ даражаси жинсий ривожланиш босқичи Таннер 1 ва Таннер 2–3 гуруҳидаги ўғил болаларда назорат гуруҳига нисбатан ишончли паст кўрсаткичга эга бўлди.

ЭКС болаларда углевод алмашинувининг бузилиши (УАБ) ривожланиш хавфи ССБГ даражасининг ўғил болаларда 70 нмоль/л ва қиз болаларда 100 нмоль/л паст бўлган кўрсаткичлари билан боғлиқ. Ушбу кўрсаткич УАБ (НХ=6,0; ЭО=83,33%) ССБГ даражаси билан деярли тўла шартланганлигини кўрсатади. Юқори ишончилилик омиллари жинс (ўғил болаларда НХ=4,67; ЭО=78,57%) ва семиришнинг 5–10 йил давомийлиги (НХ=3,80; ЭО=73,76%) билан боғлиқ. Ўғил болаларда УАБ ривожланиш хавфи қизларга нисбатан 5 марта юқори ($26,7 \pm 5,7$) ва семиришнинг 5–10 йиллик давомийлиги 3,8 марта ($28,1 \pm 7,4$) кўпроқ кўрсаткичга эга бўлди. УАБнинг юқори боғлиқлик даражасини қандли диабет (ҚД) (НХ=3,0; ЭО=66,67%) ва артериал гипертензия (АГ) (НХ=2,22; ЭО=55,0%)га бўлган ирсий мойиллик ташкил этди.

Диссертациянинг «**Ўзбек популяциясига хос экзоген-конституционал семизлиги бор болалар ва ўсмирларда метаболик синдром ва компонентларининг учраши**» деб номланган тўртинчи боби уч бўлимдан иборат бўлиб, биринчи бўлимда ўзбек популяцияси соғлом болаларида бел айланасининг (БА) перцентил кўрсаткичи тақсимланишининг референс қийматлари; иккинчи бўлимида ўзбек популяцияси ЭКС бўлган болалар ва ўсмирларда (ёш гуруҳи 10–≤16 ёшгача) МС ва компонентларининг учраши; учинчи бўлимида семизлик хавф омиллари бор бўлган болалар ва ўсмирларда МС ривожланишини башоратлаш кўрсаткичлари келтирилган.

Тадқиқот натижаларига кўра болалар ўсиши билан БА ортиш жадаллиги ҳам ортиб боради. Ўғил болаларда ҳар бир текширилаётган перцентил кўрсаткичларда БА ортишининг кучайиши қиз болаларга нисбатан юқори. Барча текширилувчиларда жинсга боғлиқ бўлмаган ҳолда 75-, 90-перцентиллар учун БА ортиши ёш улғайиши билан боғлиқлиги энг катта нисбатга эга эканлиги кўрсатилди (1-жадвал).

Тадқиқот жараёнида ўзбек популяциясидаги БА перцентил тақсимоти бўйича бошқа мамлакатлар популяциялари билан қиёсий таҳлил қилинди. Ўзбек популяцияга мансуб ўғил болаларда 50-перцентил эгри чизиклари Гонконг, Швейцария, Покистон, Қувайтда яшовчи болаларниқидан паст. Қиз болаларда эса Гонконгда яшовчи қизларниқидан юқори, Швейцария, Покистон ва Қувайтда яшовчи қиз болаларниқидан эса паст кўрсаткичга эга бўлди. Худди шунингдек, ўзбек популяциясидаги ўғил болаларида 90-

перцентилда эгри чизиқлар Гонконг, Швейцария, Покистон ва Қувайтда яшовчи болаларниқидан паст кўрсаткич қайд этилди. Қиз болаларда Гонконгда яшовчи қизларниқидан юқори, Швейцария, Покистон ва Қувайтда яшовчи қизлариниқидан паст кўрсаткич кузатилди.

1- жадвал

7–18 ёшли ўғил ва қиз болаларда бел айланаси перцентил тақсимоти, см

Ёши	Перцентили						
	3	10	25	50	75	90	97
Ўғил болалар n=1376							
7 ёш, n=113	45,5	47,6	50,4	52,8	57,3	60,3	62,3
8 ёш, n=108	47,3	50,8	52,5	54,9	58,6	60,7	62,4
9 ёш, n=108	50,8	51,4	53,8	56,4	60,5	62,6	63,5
10 ёш, n=118	51,2	53,4	55,9	57,9	62,8	65,2	70,7
11 ёш, n=109	52,9	54,5	57,3	59,6	65,1	68,9	70,3
12 ёш, n=112	54,3	57,1	59,2	63,5	66,3	71,6	76,9
13 ёш, n=118	55,6	58,2	61,4	65,4	69,6	74,1	77,8
14 ёш, n=103	58,5	60,2	63,9	66,9	69,8	74,5	81,7
15 ёш, n=126	60,8	61,9	64,9	67,8	71,7	75,9	80,6
16 ёш, n=118	61,7	62,4	64,9	69,1	73,8	78,8	83,1
17 ёш, n=120	61,8	63,3	65,9	69,7	75,9	81,2	86,2
18 ёш, n=127	62,7	63,3	67,8	71,5	77,8	84,3	88,9
Қиз болалар n=1325							
7 ёш, n=115	45,2	47,3	50,3	52,4	56,9	60,0	61,8
8 ёш, n=99	46,8	50,1	52,3	54,1	58,3	60,4	61,9
9 ёш, n=108	49,5	51,1	53,3	56,2	59,7	62,1	63,1
10 ёш, n=116	50,2	52,9	55,3	57,3	62,3	64,5	70,1
11 ёш, n=105	52,6	54,2	56,2	58,4	63,7	67,4	68,2
12 ёш, n=108	53,7	56,2	58,7	62,2	66,3	70,6	75,1
13 ёш, n=112	54,7	57,4	59,3	63,4	67,3	71,3	75,2
14 ёш, n=105	57,0	59,6	61,8	65,5	68,8	72,4	79,2
15 ёш, n=101	58,6	60,8	62,7	66,5	70,3	74,8	78,8
16 ёш, n=105	60,5	61,5	63,8	67,5	72,1	77,5	81,8
17 ёш, n=125	60,6	62,4	64,3	68,5	74,5	80,3	84,9
18 ёш, n=126	61,3	62,6	66,7	69,5	76,5	83,6	87,9

Олинган натижалар БА катталигини интерпретация қилиш учун яхши кўрсаткич ҳисобланади ва ЭКС ёки МС хавфи бўлган болалар ва ўсмирлар саломатлигини баҳоловчи ташхис механизми бўлиб, 75-, 90-перцентилларга асосланиб болаларда МС ривожланиш хавф даражасини баҳолаш мумкин.

Ўтказилган тадқиқотларимиз натижаларига асосланиб «Ўзбек

популяциясига хос болалар ва ўсмирларнинг бел айланаси асосида МС ривожланиш хавфини аниқлаш учун компьютер дастури» ишлаб чиқилди ва патент олинди (№DГУ02583, 10.09.2012).

Ўзбек популяцияси ЭКС бўлган болалар ва ўсмирларида МС компонентларининг учраш сони таҳлил қилинди. IDF мезонларига мувофиқ 10–16 ёшгача бўлган ўсмирларда абдоминал семизлик ва мавжуд 4 та хавф омилидан 2 таси биргаликда келганда МС ташхиси қўйилади.

Қуйидаги кўрсаткичларнинг ТГ \geq 1,7 ммоль/л; ЗЮЛП $<$ 1,03 ммоль/л; САБ \geq 130 мм.сим.уст., ДАБ \geq 85 мм.сим.уст., наҳорги глюкоза \geq 5,6 ммоль/л даражалари қайд этилганда (вена қонида, капиллярга қайта ҳисобланганда \geq 5,0 ммоль/л), 2-тур ҚД аниқланганда ёки углевод алмашинувининг бошқа бузилишларида МС ташхиси қўйилади.

Текширилган барча болаларда БА \geq 90 перцентил қайд этилди, бундан ташқари мазкур гуруҳ болаларида ТГ \geq 1,7 ммоль/л (60%), ЗЮЛП $<$ 1,03 ммоль/л (15,0%) ва наҳорги глюкоза \geq 5,0 ммоль/л (10%) кўрсаткичлари кузатилди (2-жадвал).

2-жадвал

Ўзбек популяциялари болалари ва ўсмирларида метаболик синдром компонентларининг учраш сони

Метаболик синдром, компонентлари	Болалар, ЭКС, n=20		Ўсмирлар			
			ЭКС, n=80		МС, n=29	
	абс	%	абс	%	абс	%
БА \geq 90 перцентили	20	100,0	80	100,0	29	100
ТГ \geq 1,7 ммоль/л	12	60,0	56	70,0	27	93,1
ЗЮЛП $<$ 1,03 ммоль/л	3	15,0	27	33,8	19	65,5
САБ \geq 130 мм.сим.уст.	–	–	6	7,5	6	20,7
ДАБ \geq 85мм.сим.уст.	–	–	9	11,3	6	20,7
УАБ (НГ \geq 5,0 ммоль/л)	2	10,0	12	15,0	9	31

Болалар гуруҳида метаболик синдромнинг иккита компоненти биргаликда келган ҳолат 85% ни ташкил этди, лекин асосий компонент – абдоминал семириш ва иккита хавф омилининг биргаликдаги ҳолати аниқланмади.

Шундай қилиб, IDF (2007) МС янги мезонларига асосан 6– $<$ 10 ёшгача ЭКС бўлган болаларда МС учрамади. Бироқ мазкур икки хавф омилининг юқори даражада учраши 10 ёшдан кичик семизлиги бор болаларнинг ҳам МС ривожланиши мумкин бўлганлар гуруҳига мойил контингентга киришидан дарак беради. 10– $<$ 16 ёшгача бўлган болалар гуруҳида МС қуйидаги компонентларнинг камайишга қараб аниқланди: ТГ \geq 1,7 ммоль/л (70%), ЗЮЛП $<$ 1,03 ммоль/л (33,8%) ва наҳорги глюкоза миқдори \geq 5,0 ммоль/л (15,0%). Артериал қон босими САБ \geq 130 мм.сим.уст., ДАБ \geq 85 мм.сим.уст. даражалари мос равишда 7,5% ва 11,3% ҳолатларда учради. Ўсмирлар гуруҳида МС учраш даражасига келсак, ўзбек популяциясига мансуб болалар ва ўсмирлар БА перцентил кўрсаткичлари асосида текширилганларнинг

29 нафариди аниқланди ва 36,3% ни ташкил этди. (2-жадвал)

Углевод алмашинуви кўрсаткичлари бўйича наҳорги глюкоза ЭКС МС бўлган беморларда МС бўлмаганларга нисбатан юқори даражани кўрсатди. Наҳорги гликемиянинг бузилиши МС бўлган гуруҳда 9 нафар (31%), МС бўлмаганларда 3 нафар (5,9%) болада учради. Липид алмашинувининг бузилиши ҳам МС бўлган гуруҳда кўпроқ бўлиши аниқланди. УХС \geq 5,2 ммоль/л (44,8%, 33,3% – МС бўлмаганларда), ТГ \geq 1,7 ммоль/л (93,1% ва 56,9%), ПЗЛП \geq 3,5 ммоль/л (24,1% ва 23,5%) ва ЮЗЛП $<$ 1,03 ммоль/л (65,5% ва 13,7%). МС бор бўлганлар билан МС бўлмаганлар таққосланганда гемодинамик кўрсаткичлар деярли фарқ қилмади, фақат САБ \geq 130 мм.сим.уст. кўрсаткичи метаболик синдром мавжуд беморларда учради (20,7%). МАУ ўртача кўрсаткичлари МС бўлган беморларда ишончли равишда кўпроқ учради. (3-жадвал)

3-жадвал

Углевод, липид алмашинуви гемодинамик ҳамда ИРИ ва ССБГ метаболик синдроми мавжуд ва мавжуд бўлмаган беморлардаги кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Метаболик синдроми йўқ, n=51	Метаболик синдроми бор, n=29
Наҳорги глюкоза, ммоль/л	4,0 \pm 0,5	4,4 \pm 0,7*
Глюкоза 2 соатдан сўнг, ммоль/л	4,7 \pm 0,7	4,9 \pm 0,7
НьА1с, %	5,3 \pm 0,8	5,3 \pm 0,8
УХС, ммоль/л	4,59 \pm 1,4	5,0 \pm 1,3
ТГ, ммоль/л	1,76 \pm 0,6	2,49 \pm 0,7*
ЗПЛП, ммоль/л	2,93 \pm 1,3	3,15 \pm 1,3
ЗЮЛП, ммоль/л	1,35 \pm 0,4	1,03 \pm 0,4*
АИ	2,42 \pm 1,3	3,29 \pm 1,5*
Эрталабки, САБ мм.сим.уст.	110,9 \pm 9,3	111,4 \pm 14,8
Эрталабки, ДАБ мм.сим.уст.	71,3 \pm 7,7	73,6 \pm 11,0
Кечки, САБ мм.сим.уст.	103,7 \pm 9,3	103,1 \pm 11,4
Кечки, ДАБ мм.сим.уст.	67,9 \pm 5,9	67,8 \pm 6,4
МАУ мг/дл	19,8 \pm 12,1	26,9 \pm 15,6*
Наҳорги ИРИ, мкЕД/мл	n=43 18,1; 13,8-19,8	n=24 24,9; 21,7-28,8*
ИРИ, 2 соатдан сўнг, мкЕД/мл	n=38 17,5; 9,8-36,8	n=24 23,2; 18,1-29,7
НОМА-IR	n=43 3,1; 2,5-3,7	n=24 4,9; 3,8-5,5*
Ўғил болалар ССБГ, нмоль/л	n=22	n=16
Me; IQR	40,1; 19,9-67,7	41,1; 27,3-84,1
Қиз болалар ССБГ, нмоль/л	n=16	n=11
Me; IQR	48,7; 20,2-77,0	33,3; 17,3-39,7

Эрталабки ИРИ ва НОМА-IR индексининг ўртача кўрсаткичлари МС беморларда МС бўлмаганларга қараганди ишончли юқори бўлди. Оч қоринга эрталабки ИРИ>25,0 миқдори МС беморларида МС бўлмаганларга нисбатан юқорилиги кузатилди. НОМА>97 перцентил индекси МС беморларда 66,7%, МС бўлмаган гуруҳда эса 37,2% учради. ССБГ даражаси МС бўлган қиз болаларда статистик ишонарли кўрсаткичга эга бўлмади, МС бўлмаган қиз болаларга нисбатан паст, айти вақтда ўғил болаларда қарама-қарши тенденция кузатилди.

Кейинги тадқиқотларда МС ривожланишини олдиндан башоратлаш учун аниқланган омилларнинг аҳамияти баҳоланди. Нисбий хавф (НХ) ҳажмига кўра қўшимча хавф – этиология улуши аниқланди (этиологик омил – etiological fraction – ЭО), унинг аҳамиятидан келиб чиқиб МС ривожланишидаги ҳар бир омилнинг ўрни кўрсатиб берилди.

Олинган маълумотларнинг таҳлили МС касаллигида энг асосий омил – ТГ \geq 1,7 ммоль/л (НХ=5,79; ЭО=82,72%) миқдори эканлигини кўрсатди (4-жадвал).

4-жадвал

Ўсмирларда метаболик синдромнинг нисбий хавф, этиология улуши ва уларга мос келувчи хавф омиллари билан боғлиқлик даражаси

Боғлиқлик даражаси	Нисбий хавф диапазони	Этиологик омил диапазони, %	Омиллар
Тўлик	5,0<	81–100	ТГ \geq 1,7 ммоль/л
Жуда юқори	3,2 – \leq 5,0	67–80	САБ \geq 130 мм сим.уст
Юқори	2,0 – \leq 3,2	51–66	Оч қоринга гликемия \geq 5,0 ммоль/л; ЗЮЛП<1,03 ммоль/л; семизликнинг давомийлиги 5–10 ёш; ДАБ \geq 85 мм сим.уст
Ўртача	1,5 – \leq 2,0	33–50	АИ >3,0; НbA1c>6,7%; ирсий семизлик; оч қоринга ИРИ>25,0 мкЕД/мл

Иккинчи ўринни артериал қон босимининг САБ \geq 130 мм.сим.уст. (НХ=3,22; ЭО=68,92%) кўрсаткичи эгаллади.

Юқори даражада МС келтириб чиқарувчи хавф омилларига кўрсаткичларнинг камайиш тартиби бўйича наҳорги гликемия \geq 5,0 ммоль/л (НХ=2,82; ЭО=64,57%), ЗЮЛП<1,03 ммоль/л (НХ=2,27; ЭО=55,87%), семизликнинг 5–10 йиллик давомийлиги (НХ=2,10; ЭО=52,38%), ДАБ \geq 85 мм.сим.уст. (НХ=2,06; ЭО=51,41%) каби катталиклар ҳам киради.

Метаболик синдромнинг ўртача боғлиқлик даражаси АИ>3,0 (НХ=1,94; EF=48,41%), НbA1c>6,7% (НХ=1,67; ЭО=40,0%), наслий семизлик (НХ=1,53;

ЭО=34,64%) ва наҳорги ИРИ \geq 25,0 мкЕД/мл (НХ=1,50; ЭО=33,33%) тўғри келди.

Шундай қилиб, компьютер дастуридан фойдаланиб ЭКС бўлган болаларда метаболик синдром ривожланишини башоратлаш бўйича салбий омиллар аниқланди. Ўзбек популяциясига мансуб болалар ва ўсмирларнинг БА перцентил жадваллари, БА кўрсаткичи Европага мансуб Америкада яшовчилар перцентил жадваллари бўйича олиб таҳлил қилинганда МСни башоратлашда мазкур касаллик билан ўта юқори ва кўп қайд қилинган даражада бўлган омиллар ТГ \geq 1,7 ммоль/л, САБ \geq 130 мм.сим.уст, наҳорги гликемия \geq 5,0 ммоль/л ва ЗЮЛП $<$ 1,03 ммоль/л эканлиги аниқланди, бу омиллар деярли бир хил НХ ва этиология улушига эга ҳамда 5 йилдан ортиқ семизлик давомийлиги янги хавф омили сифатида қайд этилган.

Диссертациянинг **«Экзоген-конституционал семиз болалар ва ўсмирларни даволашда фойдаланиладиган ҳар хил усуллари самарадорлиги ва хавфсизлиги»** деб номланган бешинчи бобда ўзбек популяциясида ЭКС бўлган болалар ва ўсмирларни даволашнинг ҳар хил усуллари самарадорлигини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг натижалари ўз аксини топган.

Тадқиқотларнинг биринчи босқичида семизликни коррекциялаш бўйича 6 ойлик дастур амалга оширилиб, ушбу дастур овқатланиш стереотипини ўзгартириш, парҳез даволаш ва жисмоний фаолликни оширишни ўз ичига олади. Барча болалар ва ўсмирлар (100 нафар ЭКС беморлар) овқатланиш кундалиги тутишди, ушбу кундаликда истеъмол қилинган овқат калорияси ва миқдори, тана вазнини камайтириш учун бажарилган жисмоний машқлар қайд этиб борилди.

Семиз болалар ва ўсмирларда тана вазнини коррекциялаш учун ўзбек ошхонаси овқатларидан келиб чиқиб, уларнинг ёшини ҳисобга олган ҳолда қуйидагича бир ҳафталик паст энергетик қувватли таомнома (ПЭҚТ) – махсус овқатланиш рационини ишлаб чиқилди: 1 кунда 7 ёшли болалар учун – 1600 ккал, 7–11 ёшдаги болаларга 1800 ккал, 11–14 ёшгача бўлганларга 2100 ккал ва оғир бўлмаган жисмоний машқларни бажариш белгилаб берилди. Мазкур тадқиқот даврининг охирига келиб антропометрик кўрсаткичлари ижобий томонга ишончли бўлмаса-да ўзгарганлиги қайд этилди.

